# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА РАҲБАР-АЁЛЛАРНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.

## РЕЖА:

**КИРИШ.**

**I-БОБ. Таълим муассасаларида рахбар-аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишдаги ролини ўрганишнинг илмий назарий асослари.**

1.1. Таълим муассасаларининг бошқариш тизимининг тафсифи.

1.2. Хотин-кизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устивор йуналишларидан бири эканлиги.

**II-БОБ. Мустакиллик йилларида жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислохатларда хотин қизларнннг ўрни ва роли.**

2.1. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маънавий фаоллигини ошириш усуллари.

2.2. Маданий хаётда ва илм-фан ривожида хотин-қизлар фаолияти.

**ХУЛОСА.**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

**ИЛОВАЛАР.**

«Оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошимиз ва қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқейини янада ошириш, иззат икромни жойига қуйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг, хукуматимизнинг жойлардаги хокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим».

**И.А.Каримов.**

# КИРИШ.

**Мавзунинг долзарблнги.** Мустакиллик барча фукароларни. хусусан, хотин-кизларнинг ижтисоий-сиёсий фаоллигини оширишга кенг имкониятлар яратди. Истиклол шарофати билан аёллар мамлакат хаётининг барча жабхаларида фаол инггирок этмокда, уларнинг давлат ва жамият тузилишидаги макоми ва мартабаси юксалиб бормокда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлагапларидек: "Инсоният тарихи шуидан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида хар кдйси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга булган муносабат билан белгиланади"[1].

Инсон ер юзида яшаётган энг кучли мўжиза ва мураккаб вужуд бўлса, аёл эса мўжизаларнинг мўжизаси, чунки аёлнинг хаётда, жамиятда, оилада вазифалари кўп, маъсулятли, шижоати, сабр-қаноати улкан. Болаларнинг, оиланинг, хаётимизнинг маънавий рухий холатини, мафкурасини аёл маънавияти билан чамбарчас боғлаш мумкин. Аёл-инсон, унинг қиладиган ишлари ўзига хос, имкониятига мос бўлмоғи керак.

Аёл оилани хам, жамиятни хам, бирлаштиради унга файзу-баракот киритади, моддий ва манавий жихатдан юқорига кўтаради.

Инсоният тарихи шундан гувохлик берадики, минг йиллар давомида хар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.

---

[1] **И.Каримов. 1998 П. 5-декабрь Конституциянинг олти йиллигига бағшлангам тантанали мажлисда сўзлаган нутқидан. Аёлга эҳтиром. Тўплам. 1999.11 -бет**

Бугунги кунда ўзбек аёлини дунё танимоқда ва тан бермоқда. Аёлларимизнинг илм сохасида, иқтисодиёт, манавий-марифий сохада қилаётган мехнатлари, ватанимиз таъраққиётига сезиларли тасир кўрсатмоқда.

Аёлларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишдаги ўринларини алохида эътироф этмоқ жоиз. Маънавий ривожланишнинг асосида аёл туради. Зеро инсонни дунёга аёл келтиради, уни тарбиялаб хаётга йўллайди.

Оиланинг устуни хам аёл. Ақилли-заковатли аёл оиласи хам намунали бўлади. Намунали, ўзаро хурмат, ишонч, эътиқод мавжуд бўлган оилада бола тарбияси хам намунали бўлади. Оила хўжалигининг оқилона блшқарилиши, боланинг хар томонлама баркамол шахс бўлиб, шакилланишига таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг иқтисодий ривожида аёлларнинг ўрни беқиёслигини алохида таъкидламоқ жоиз. Бизнинг аёллар турли нодавлат, нотижорат ташкилотлари очиб, муваффақият билан бошқармоқдалар, турли ишлаб чиқариш корхоналарига рахбарлик қилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиб, янги-янги иш ўринларини яратмоқдалар. Бу биринчидан иўсизликнинг олдини олишга ёрдам берса, иккинчидан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Мамлакатимизда аёллар масалаларининг инсоният тараққиёти индекси нуқтаи назаридан ккриб чиқилиши Ўзбекистоннинг жахон стандартларига риоя қилаётганлигининг белгисидир.

Маълумки жамиятда аёлларга эътибор қанча кучли бўлса, сиёсий маданият шунча юқори бўлади Чунки аёллар келажакни жисмоний, манавий, сиёсий негизларини яратади.

Ўзбекистон ахолисининг 52% дан кўпроғини аёллар ташкил этади ва бугунги кунда  Хотин-қизлар жамият тараққиётининг қудратли омилига айланган.Мамлакатимизда содир бўлаётган демократик ўзгаришларга, иқтисодий ислохатларни амалда оширишда халқ хўжалиги, илм фан, маданият ва мврифат тизимининг баряа сохаларида ўзларининг халол ва

фидокорона мехнатлари билан иштирок этмокдалар. Давлвтимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя қилиб, оилани мустахкамлаш, ёш авлодни баркамол соғлом қилиб тарбиялашга тўлиқ имконият бермокда.

Жамият аёлни том манодаги озодлиги, эркинлигининг тарофдоридир. Бу эса жамият ва аёл масаласини қоғозда эмас, аксинча, амалда рўёбга чиқаришини талаб қиларди. Миллий истиқлолга жамият ва хотин қизлар масаласини миллий ва мамлакат тараққиёти манқаатлари асосида хал этиш учун имконият яратиб, хамда унинг хуқуқий асосларига пойдевор солди. Аввало, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг бош қомусида, хусусан унинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг хуқуқлилиги қонунан мустахкамланди. Кейинчалик пайдо бўлган кўплаб меъёрий хужжатларда эса хотин-қизлар масаласини хал этиш Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитидаги устивор сохаларидан бири эканлиги таъкидланади. Айни пайтда мамлакатимизда 12 млндан ортиқ хотин-қизлар истиқомат қилишмокда. Саноатда ишловчиларнинг 48% маданият ходимларининг 60-70% ни, савдо, жамоат овқатланиш, майиший сохада ишлайдиганларининг 50% га яқинини хотин-қизлар ташкил этмокдалар. Шу билан бирга бугунги кунда мамлакат парламенти, вилоят, туман, шахар, даражасида рахбарлар орасида 300дан ортиғи хотин-қизлар, шунингдек, вазирлар ўринбосарлари, корхона рахбари ўринбосарларидан 17,5 ини хотин-қизлар ташкил этади. Олий ўқув юртларида ўқиётганларнинг 38%ини, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маориф санат ва киномотография ўқув юртларида таълим олаётганларнинг умумий сонидаги 48,8%ини хотин-қизлар ташкил этмокда.

Бундай хол мамлакат хукуматидан жамият ва аёл муносабатларини цивилизациявий йўллар хамда тўғри усулда хал этишни талаб этмокда. Призидент И.А.Каримовнинг “хотин қизларга муносабат жамиятимизнинг манавий ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилмоғи керак” деб

таъкидлаши эса бизнинг назаримизда, жамият хотин-қизлар муносабатларини аниқлаб олишда методик асос бўлиши мумкин.

Дархақиқат, истиқлол йўлларида аёл ва жамият масаласини том маънода хал этиш ва мазкур жараёнда маънавий омилларни аниқлаш имкони туғулди. Бунинг учун хозирги кунда турган ушбу муаммони яқин ва узоқ тарихда хал этиш билан боғлиқ масалаларга эътибор бериш фойдаладир.

Мазкур мавзунинг урганилиш даражаси янги булганлиги учун мавзуга оид купгина маълумотлар Республикамиз микёсида нашр килинадиган илмий журналлар, газеталар сахифаларида чоп этилаётган илмий маколаларда берилган.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси**: Мустакиллик йилларида мамлакат хаётининг турли сохаларида хотин -кизларнинг фаолиятини ўрганиш масаласи С.Иномова[1], С Хўжаева, Э.Султанова[2], О.Хдйитов , М.Мухитдинов[3], Н.Жураева", Р.Убайдуллаева'. Г.Уразалиева[4], С.Жураева[5], С.Туйчиева[6] Ф.Ахмедшина"[7] ва бошка муаллифларнинг илмий мақолаларида ўз ифодасини топган.

**Малакавий битирув ишнинг мақсад ва вазифаси**-Таълим муассасаларида рахбар аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг илмий назарий асосларини ўзига хос томонларини тахлил қилишдан иборат.

**Битрув малакавий иш химоясига қуйидаги вазифалар олиб чиқилмоқда.**

- Таълим муассасаларида рахбар аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишдаги роли.
- Таълим муассасаларининг бошқариш тизимининг умумий тафсифи.

---

[1] Инамова С. Хотин - кизлар ташкилоти: Истикболдаги режалар. Оила. 2004. I сон. Б, - 13-17.
[2] Инамова С. Хотин - кизлар ташкилоти: Истикболдаги режалар. Оила. 2004. I сон. Б, - 13-17.
[3] Мухитдинов М. Аёллар илм-фанда.// Оила. 2004. 1-сон. Б. -28-31.
[5] Уразалиева Г. Аёл-сиёсат субъекти, //Фалсафа ва хуқуқ. 2005. 1-сон. Б. -46-47. ' Жураева С. Тараккиёт ва аёллар хукуки. /.' Тафаккур. 2003. 2-сон Б. -82-83.
[6]'" Туйчиева Ўзбекистоп Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида шахс ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий маданиятнинг роли. Автореферат. Т.. 2004.
[7] " Ахмедшина Ф. БМТ; Аёллар тенг хуқуқлигини таъминлашга каратилган сиёсат. "Жиззах овози" 13-октябрь сони.

- Бошқарувда рахбар аёлларнинг роли.

- Хотин қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш усуллари.

**Малакавий битирув ишнинг назарий ва методологик асоси;** Юртбошимиз И.А.Каримовнинг таълим сохасидаги ислохатлари, “Баркамол авлод” Давлвт дастури, шу мавзуларда сўзлаган марузалари, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ёш авлодни шакллантириш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар.

Республикамизда раҳбар аёлларни мухофаза қилиш борасида ишлаб чиқилган дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси, Республика олий мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Призидент Ислом Каримовнинг фармонлари шахс тарбиясига оид умумназарий қарашлари, шунингдек анъаналар, миллий қадириятларни ривожлантириш масаласига хукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва юргизаётган сиёсат мазкур ишнинг назарий асоси ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишнинг предмети:** Таълим муассасаларида рахбар аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг илмий назарий асослари. Таълим тизимини такомиллаштиришда рахбар зиммасига тушадиган масъулият. Бошқарувда рахбар аёлларнинг роли ишнинг предметини ташкил этади.

**Битирув малакавий ишнинг объекти:** Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш усуллари, ижтимоий барқарорликни мустахкамлашдаги ўрни ишнинг обектини ташкил этади.

**Битирув малакавий ишнинг методлари-** педогогик тахлил, қиёсий тахлил, аналитик обзор, тарихий хронологик таҳлил, кузатиш, умумлаштириш, анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперемент.

Юкорида билдирилган фикр – мулохазалардан келиб чиққан холда битирув малакавий ишининг структураси қуйидагилардан иборат: Кириш, 2 боб 4 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

# 1-БОБ. Таълим муассаларида раҳбар-аёлларнинг ўкув жараёни самарадорлигини оширишдаги ролини ўрганишнинг илмий назарий асослари.

## 1.1 Таълим муассасаларининг бошқариш тизимининг умумий тафсифи.

Ўзбекистон Республикисининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "кадрлар тайёрлаш миллий дастури "нинг қабул қилиниши нафақат таълим тизимининг хуқуқий базасини яратишга, балки уни тизимли, доимий ва узлуксиз жараён сифатида бошқаришга, халқаро тан олинган таълимни ривожлантириш меъёрлари тенденциялари ва омиллари асосида такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини бошқаришнинг мақсади-унинг сифатини оширишга қаратилган бўлиб, бу тизим ва ичига лойихалаш, ташхислаш ва мониторинг, тахлил, бошқарув хулосаларини тайёрлаш ва қарорлар қабул қилишни олади. Унинг асосий йўналишлари бўлиб;

---- кадрлар буюртмачилари ва мехнат бозори эхтиёжларидан келиб чиққан холда давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва ўқув дастурларни шакллантириш ва уларнинг рақобатбардошлилиги коэффициентини ошириш;

---- таълим тизимини бозор мунособатлари талабига жавоб бера оладиган янги авлод дарсликлари ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш;

---- ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг мухим кўрсаткичларидан хисобланган ўқув вақтидан ва мустақил таълимга ажратилган вақтдан самарали фойдаланиш койффициентларини ошириш;

---- таълим соҳаси учун бошқарув захира кадрларини тйёрлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш;

--- таълим жараёнига илғор педогогик технологияларни қўллаш ўқувчиларни таълим жараёнининг суст тингловчисидан уларни бу жараённинг фаол иштирокчисиг айлантириш. Жахоннинг ўттиздан ортиқ ривожланган давлатлари олий таълим тизимида муваффақиятли равишда қўлланилаётган

халқаро RWCT дастури (ўқиш ва ёзишда критик фикирларни ривожлантириш)

Бугунги кунда ҳар қандай жамиятнинг асосий «кўзгуси» – хотин-қизлар эканлиги шубҳасиздир. Негаки, жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, ўша жамият аҳолиси турмушининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, келажак авлод – фарзандлар тарбияси, иқтидори, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат, қўйингки, барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Халқимиз орасида «Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратади», деган нақл бежиз вужудга келмаган. Буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан маълумки, ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элимиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган машҳур ўғлонлари – жасур, ботир Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, ҳазрат Хўжа Аҳрор Вали каби азизу-авлиёлари, жаҳонни турли жабҳаларда лол қолдирган олимлари – Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Имом Ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек, адиблари – Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умар Ҳайём, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек кабилар билан машҳурдирлар. Мағрур, жасур ва доно Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсийлар номлари нафақат биз учун, балки илғор фикрли дунё аҳли учун ҳам илиқ ва улуғ эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, миллати, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, яшайдиган юрти, бошқа жиҳатларидан қатъий назар, инсоннинг ўзи ҳаётида танлай олмайдиган, танлаш имкониятига эга бўлмаган фақат икки муқаддас нарса бор – Она ва Ватан. Бизга нақадар азиз ва қадрли бўлган ана шу иккала сўз аслида ягона маънони, Онани англатади. Қалбимиз тўридан мустаҳкам ва муносиб жой эгаллаган ушбу сўзларнинг

ўхшашлиги тасодифий ҳол эмас, дунёда онадан-да эъзозли ва эҳтиромга лойиқ инсон, Она Ватандан азиз ва қимматли, мурувватли замин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу иккала номни бир-бирига менгзашнинг асосий сабабларидан яна бири шундаки, онага ҳам, Она Ватанга ҳам хиёнат қилиш буюк гуноҳи азимдир, бу номларнинг муштараклиги яна ана шунда бўлса, ажаб эмас. Ҳа, мўътабар оналар, хотин-қизлар, бўлғуси оналар ҳаётнинг боши, уй-рўзғоримиз, жамиятимиз фариштасидирлар.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаши, ўзларидаги салоҳиятни намоён этишлари ва жамиятда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида илк мустақиллик йилларидан бошлаб, давлатимиз томонидан имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Чунки, бу иккала ўта муҳим вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, нуфузи, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан етуклиги, сиёсий онги, ижтимоий тафаккури, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги беқиёс аҳамиятга моликдир.

Хотин-қизларга, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга давлатимиз, қолаверса, шахсан юртбошимиз томонидан жиддий эътибор берилаётганлигининг, улар учун алоҳида имкониятлар яратилаётганлигининг боиси ҳам аёлнинг, энг аввало, келажагимиз давомчилари, зурриёдларимиз, ворисларимиз, эртанги кунда бизнинг тақдиримизни ишониб топширадиган фарзандларимиз бунёдкорлари ҳамда тарбиячилари эканлигига алоҳида урғу беришдан иборатдир, деб биламан.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан оилалар чироғи бўлмиш хотин-қизлар масаласи, оила институти янада юксакроқ аҳамият касб этаётганлиги изоҳга муҳтож эмас.

Яқингинада матбуотда эълон қлинган Ўзбекистон Республикаси Президентининнг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида марказий звенони яна ўша оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга бўлган эътибор эгаллаганлиги таҳсинга сазовордир.

Ушбу қарорда эътироф этилган «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойили бугунги замон зайлига жуда мос бўлиб, мустақил давлатимиз тараққиётининг айниқса ҳозирги босқичида жуда муҳим ва ўта долзарб ҳисобланади.

Қатор йиллар давомида бизга аллақачон ёд бўлиб қолган, Президентимизнинг юртимизда ажойиб бир шиорга айланган «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган чуқур маъноли сўзлари замирида ҳам аёлларга бўлган юксак ишонч, меҳр-оқибат баробарида фақат аёллargaгина юкланиши жоиз бўлган алоҳида масъулият мужассамлашган, десам муболаға бўлмаса керак.

Ана шундай фарзандларни дунёга келтириш учун аввалaмбор аёлнинг – онанинг ўзи соғлом, ҳар томонлама етук, иймон-эътиқоди бутун, ҳалол ва пок, оиласи мустаҳкам, дунёқараши замон зайлига мос, фикри теран, интеллектуал салоҳияти етарли даражада ривожланган, маънавияти юксак, фидойи, меҳнатсевар ва ватанпарвар бўлиши, ўзи яшаб турган жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, фидойилик билан яшаши, энг муҳими ўзининг мустақил ҳаётий позициясига эга бўлиши тақозо этилади.

**Шу боисдан ҳам илк мустақиллик йилларидан бошлаб:**

– оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш;

– аёлларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги, муҳим ҳукумат қарорларини қабул қилишдаги ҳамда жамият тараққиётидаги фаол иштирокини таъминлаш;

– хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ўзларидаги салоҳиятни турли жабҳаларда намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш;

– ҳаттоки уй бекаси вазифасинигина адо этиб юрган ҳокисор аёлларнинг бирортаси ҳам беэътибор қолмаслиги учун жамиятда тегишли шарт-шароит яратиш;

– оналаримизнинг, айниқса, қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган аёлларимизнинг уй-рўзғор, бола-чақа билан боғлиқ бўлган юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан, ўз оилаларидан узоқлашмаган ҳолда оила даромадини кўпайтиришига ўз улушини қўшиши, уйда туриб меҳнат билан банд бўлишини таъминлаш учун имконият яратиб бериш, ушбуларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш;

– оилалардаги муаммоларни ҳал этиш, оналарнинг фарзандлар тарбияси ва парвариши борасидаги ташвишларини камайтириш, айниқса, қишлоқ аёллари меҳнатини енгиллаштиришга эришиш, қишлоқларда замонавий инфтратузилмани барпо этиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш;

– хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ҳар қандай камситилишларининг олдини олиш каби масалалар юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1995 йил 2 мартдаги, «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майдаги, «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 10 июндаги Фармонлари, «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Олий Мажлиснинг XV сессиясида «Сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Парламентига сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар сони 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозимлиги хусусидаги норманинг киритилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг она ва бола саломатлиги масалалари ечимига бағишланган ўнлаб муҳим қарорлари жамиятимиз хотин-қизларининг манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш ва амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлардаги фаол иштирокларини таъминлаш борасида самарали хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсати йўналишида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ичида хотин-қизлар, она-бола муаммоларига қаратилган эътибор марказий звенони эгаллаб келмоқда. Бунда асосий урғу соғлом она, соғлом бола, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги, фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оммавий спорт, хотин-қизлар спорти, оилавий спорт, таълим, иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, жамият тараққиётидаги иштирокини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабиларга берилмоқда. Аммо, ҳали юртимиз хотин-қизлари салоҳиятидан, имкониятларидан жамият тараққиёти учун тўлиқ фойдаланганимизча йўқ. Ушбу имкониятлардан тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйишдан нафақат хотин-қизларнинг ўзлари, уларнинг яқинлари, балки жамият манфаатдор эканлигини инобатга олган ҳолда ҳали хотин-қизлар масалаларида жуда кўп долзарб вазифалар олдимизда турибди.

Аъзолари сонининг деярли ярмини аёллар ташкил қиладиган «Адолат» социал-демократик партияси «Аёллар қаноти» ўз фаолиятида асосий эътиборни фуқароларнинг, айниқса, она ва боланинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга, ҳозирги замон талабларига мос равишда улғайиб бораётган фарзандлар тарбиясига қаратиш лозимлиги,

болаларимизни пишиқ-пухта, ўзининг мустақил позициясига эга, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, илмли, билимли, турли иллатлардан йироқ қилиб вояга етказиш, уларда жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдорлик ҳиссини шакллантириш кабилар хусусида жойларда, хотин-қизлар, ота-оналар, маҳалла ва таълим масканларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, аёллар ўртасидаги тадбирларда келажак авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб вояга етказишда оилада соғлом турмуш тарзини, мўътадил маънавий муҳитни шакллантириш, миллатимизга хос бўлган нозик жиҳатларни, маънавиятимизни, маданиятимизни, ўзига хосликни, бағрикенглик, адолатлилик, холислик, инсонийлик, фидойилик ва жасоратлиликни, аждодларимиз меросига, Ватанга содиқликни, миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни асраб-авайлаш баробарида уларни ёшлар онгига чуқур сингдириш кабилар бугунги кундаги долзарб вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилмоқда.

«Адолат» социал-демократик партияси хотин-қизларнинг жамиятда жуда катта кучга, салоҳиятга эга эканлиги туфайли уларга таяниб, гендер йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш масаласида анча салоҳиятли ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунки, ҳозирги глобаллашув жараёнидаги серташвиш ва бирмунча таҳликали замон шуни талаб қилаяпти, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширмасдан туриб, уларнинг жамиятда ўз ўринларини муносиб эгаллашлари учун имкониятлар яратмасдан туриб, ёппасига аҳолининг ижтимоий-сиёсий онгини шакллантириш, жамият нуфузини ва истиқболимизни белгилайдиган ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мушкул.

Шу боисдан, партиямизнинг «Аёллар қаноти» жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари орқали хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, оналик ва болаликни, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалаларига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, қонунларнинг ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, касаначилик, уй-рўзғор юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда

чорвачилик ва мева-сабзавотчилик билан шуғулланиб, ўз оиласи бюджетига даромад келтиришни хоҳлайдиган аёлларга йўл-йўриқ кўрсатиш, улар учун ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларда маслаҳатлар ташкил қилиш борасида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитларга шукроналар айтган ҳолда, аёлларимизнинг иқтидорини, салоҳиятларини ўз ўрнида, ўз вақтида қўллаш имконини янада кўпайтирсак, бу борада уларга яқиндан кўмаклашсак жамиятимиз ривожига қўшаётган ҳиссамиз самарали бўлиши аниқ.

Хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улардаги салоҳиятнинг намоён этилиши учун жамиятда яратилган имкониятлар доирасини янада кенгайтириш – ўз-ўзидан оилаларнинг мустаҳкамланишига, жамият тараққиёти ривожига, қолаверса, халқаро миқёсда ҳам мамлакатимиз нуфузининг янада юксалишига, фарзандлар тарбиясининг яхшиланишига, хотин-қизлардан аксариятининг нафақат ўз оилалари учун, балки жамият тараққиёти учун, жамият ривожи учун фидойиларча меҳнат қилишларининг фаоллашувига, ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида аёллар иштирокининг бундан-да кўпайишига кўмаклашиши муқаррар. Аёл қадрини қанчалик юқорига кўтаришга муяссар бўлсак, миллий ғururимиз, маънавият ва маданиятимиз янада юксалиши, оилаларимиз барқарорлиги таъминланиши, ҳалол ва пок, фидойи, ватанпарвар, жамиятга фойда келтирувчи, миллатимизни бутун жаҳонда кўз-кўз қилдирувчи фарзандларимиз сони кундан кунга кўпая бориши табиий ҳолдир. Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши чин ҳақиқатдир ва биз қураётган жамиятнинг оғир юкини дадил кўтариб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаб

турадиган асосий куч – жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар эканлигини унутмаслигимиз керак.

Мамлакатимизда аёлларнинг ўз иқтидорларини намоён қилиш қобилиятига яраша ишлаши учун барчашароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш даражаси эса унга боғлиқ. Агар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила қуришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётидан қаноатлана олади. Агарки фақат оилани ҳаётининг асосий мақсади қилса, пировард натижада намоён қилинмаган қобилият, фойдаланилмаган имконият, эришилмаган ютуқлар у учун армон бўлади ва қалбида барча нарсага эриша олган аёлларга нисбатан ҳасад туйғуси шаклланади, бу унинг ғазабнок бўлишига олиб келади. Шуниси қувонарлики, сўнгги йигирма йилда ўз мақсадини аниқ билган, оила бекаси, фарзандларининг онаси бўлиш билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида касби орқали камолотга эришаётган аёлларнинг сони кўпайиб бормоқда. Юртимизда барча учун «Тенг имконият ва тенг ҳуқуқлар белгиланган», шу боис маош олиш, ишга кириш, у ёки бу соҳада муайян ютуқларга эришиш ҳох эркак ёки аёл бўлсин, бу нсонннинг мақсадли фаолиятига боғлиқ.

Аёлнинг ҳар қандай ишга масъулияти икки ҳисса кучли. Қаерда бўлмасин, таълим тизимими, соғлиқни сақлаш, транспорт соҳасими ва бошқа бўлишидан қатъий назар аёл ўз вазифасини ортиғи билан бажара олади. Бироқ баъзи соҳаларда, тўғрироғи аёлларни раҳбар лавозимига тайинлашда уларга нисбатан ишончсизлик устиворлик қилади. Масалан Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Олий ўқув юрти бор, бироқ уларнинг бирортасини аёл бошқараётгани йўқ. 90 йилларда эса профессор Ҳалима Алимова Тошкент текстил ва енгил саноат институти ректори лавозимида ишлаган ва айнан шу институт Ўзбекистон республикаси тест маркази томонидан ўтказилган аттестация ва аккредитациядан энг юқори балл билан

биринчи ўринни эгаллаган. Опанинг бошқа ишга ўтганлигига анча йиллар бўлсада институтда ҳалигача улар ўрнатган темир тартибга риоя қилиниб келинмоқда. Нима учун?, шунинг учунки раҳбар аёл ўз жамоасини оиласи сифатида қабул қилади, хўжаликдаги ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиб, ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг энг осон, беозор йўлини танлайди. Шу боис аёлларимизга раҳбар лавозимлари ишониб топширилса, улар орасида Ўзбекистоннинг бирор давлатдачи Мухтор элчиси, вазир, вазир ўринбосари ва ҳаказо кабиларни аёлларимиз ҳеч иккиланмай эплаган бўлар эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки аёлнинг шахс сифатида камолотга эришуви -да эркакнинг ўрни жуда ҳам салмоқли. Чунки фақат эр қўлласагина аёл ўз мақсадига эркин эриша олади, фақат эр қўлласа аёл жамиятда ўз ўрнини топади, фақат эр тушунсагина оилада ўзаро ишонч, садоқат ва ҳурмат бўлади, фақат эрнинг мададини ҳис қилсагина аёл чинакам бахтли бўлади ва қалби ором топади. Бир замонлар аёлларга заифа, ожиза дейишган. Бу сўзлар ҳозир ҳам онда-сонда учраб туради. Бизнингча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлган эмас ва ҳозир бундай эмас. Чунки фақат аёл Аллоҳ унга ато этган тўлғоқ азобини сабр тоқати, кучи, бардоши билан енга олади, тўлғоқ азобининг нималигини эса фақат аёл билади. Аёл ҳар қандай мусибатни кўтариши, ҳар қандай жисмоний оғир ишни бажариши мумкин. Фақат аёл ишдан қайтиб, чарчоқни ҳам сезмасдан овқат пишириши, кир ювиши, болага қараши, меҳмон кутиши, меҳмонга бориши, турмуш ўртоғининг кўнглини олиши ва бу ишларни кундалик юмуш сифатида бажариши мумкин. Ундан ташқари аёл дардга тоқатли. Оддий тумов, бош оғриғи, томоғ оғриғи кабилар аёл учун дард эмас, оғриқ суягига тақалмаганича аёл миқ этмай юради. Эркакларчи?, салгина шамоллаб қолишса кўрпа ёстиқ қилиб, ётиб олади, чунки уларни шу ҳолатда боласини асрагандек парваришлайдиган аёли бор. Шу боис эркаклар аёлнинг кучи, иродасини ҳис қилишсада, илгари ҳам, ҳозир ҳам, уларни эркалаш маъносида «Ожиза» деб атаган бўлишса ажаб эмас. Бугунги кунда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақида кўп фикрлар илгари сурилмоқда.Энг

аввало ҳар иккаловининг масъулияти, ўзининг оила олдидаги бурчини тўлиқ ҳис қилиши, ўзаро ҳурмати, оиладаги муаммоларнинг ечимини бафурча биргалашиб ҳал қила олиши, эркакнинг ўзини аёлидан юқори қўймаслиги, беписанд бўлмаслиги, шунингдек аёлнинг ҳам эрига нисбатан айнан шундай муносабати, оила бюджетини талон тарож қилмаслиги кабилардир. Агар аёл тенг ҳуқуқлиман деб, оналик масъулиятини унутса, ўзини фақат ишга бағишласа-ю, уйда саранжом-сариштаlik бўлмаса, бундай «тенглик» ҳеч кимга татимайди. Агарки эр кўча хандон уй зиндон бўлса, аёлининг бошини таънаю дашномлардан аритмаса бундай оиладан барака кетади. Шу боис «тенг ҳуқуқлилик»да муроса-ю мадора, ўзаро ҳамкорликка риоя қилиш муҳим. Оилада барқарорликни таъминлашнинг асосий омиллардан бири бу оила аъзоларининг маънавий-руҳий яқинлигидир. Нима учун ғарб мамлакатлари кино фильмларида оила аъзолари бир- бирига сени яхши кўраман дея олади-ю, бизда эса бу эриш туйилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки 2008 йил Тошкент шаҳри 50 сонли мактабнинг 9 синф ўқувчилари билан ўтказилган анкета-сўровномаси таҳлилига кўра 45 та боладан 27 таси онаси ва отасининг яхши сўзини эшитмаганлигини, отаси ҳеч қачон ўпмаганлигини, яхши баҳо олганида мақтамаганлигини айтган. Фақат 18 та бола ота-онаси баъзида уларни мақташини, яхши кўришини, аслида бундай сентементаллик учун улар анча улғайганлигини ёзган. Ота-она учун боланинг сочларига оқ оралаб, юзларига ажин тушганида ҳам фарзанд бўлиб қолади, шу боис, уни қучиш, мақташ, у билан ғурурланиш ёш танламайди. Агар биз менталитетимизга фарзандларимизга муносабатни уларнинг ёшига, жисмоний ўсишига эмас, балки, кўнглига мослаб борсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Бугунги эркаклар учун аёлларнинг қадри ошмоқда.Дунёнинг қайси мамлакатида бўлмасин эркак учун аёл энг аввало иффати, назокати, ҳаё- ибоси, меҳри-вафоси, садоқати билан қадрли. Нима учун?, чунки шиддат билан ўтаётган умрнинг ҳар бир куни сарқаш дарё тошқинлари каби муаммоларга тўлиб-тошиб ётибди. Кун бўйи ишдаги ташвишлардан чарчаб уйга келган эркак албатта аёлидан эътибор, меҳр кутади. Агар аёл шу

эътибор ва меҳрни бера олса эркак қаерда бўлмасин уйига ошиқади, аёлига ташна бўлиб яшайди ва бу ташналик уни ҳеч қачон тарк этмайди. Шунингдек аёл эр келар вақтида мунтазам уйда бўлмаса ёки эшик жиринглаганда пинагини бузмай эрини хуш кайфият билан кутиб олмаса, бундай вазиятда эркак кўпроқ вақтини кўчада ўтказишга, ишдан бошини кўтармасликка ҳаракат қилади, аста-секинлик билан эр ва аёл ўртасида кўринмайдиган девор ҳосил бўлиб, оиладаги энг яқин икки киши бир-биридан бегоналашади, бу бегоналашув асоратлари болаларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир этади. Шу боис, биргаликдаги турмушнинг дастлабки кунлариданоқ ўзаро ҳурмат, эътиборнинг қарор топишига, эр-хотинни ёки хотин эрни ўзгартиришга эмас, балки бир бирининг феълига мослашишга ҳаракат қилинса, бундай оилада абадий бир бирига интизорлик шаклланади. Бунга эришиш қанчалик қийин бўлишидан қатъий назар, эришган оилалалар том маънодаги бахтли оила бўла олади. Европадаги тадқиқотларга кўра овқат пишириш, кир ювиш, тикиш бичишни биладиган аёллар сони камайиб бормоқда экан. Хўш бу борада биздаги вазиятни қандай баҳолаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кир ювиш, овқат пишириш бизнинг аёллар учун муаммо эмас, бу кундалик вазифалар, тикиш бичишга келсак илгари ҳам ҳозир ҳам бу ишни ҳамма аёл қилган эмас, албатта бундан тугма қадаш каби майда-чуйда тикишлар мустасно. Айни пайтда, илгариги аёллардан фарқли ўлароқ бугунги кунда мураккаб жарроҳлик операцияларини қилаётган, ёстиқдек келадиган катта илмий асарларни яратаётган, давлат бошқарувида (кам сонли бўлсада)ҳеч оғринмай иштирок этаётган, 100-200 гектарлик ерларда боғдорчилик ёки пахтачилик билан шуғулланиб катта мувоффақиятларга эришаётган ва умуман қайси соҳа бўлмасин, бошлаган ишларини охирига етказа олаётганлигини ҳам эътироф қилиш лозим. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илгари аёллар фақат оила ишлари билан машғул бўлишган. XXI аср аёлларининг эса фарзанд тарбияси, оиласига садоқатидан ташқари бошқа қадриятлари ҳам шаклланди. Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, эгаллаган

касби орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истагидир, бу ижобий ҳол.Ундан ташқари такомиллашган маиший хизмат кўрсатиш технологиялари муайян даражада қўл меҳнатини осонлаштирди. Бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчими ё буйсунувчи, эргашувчими ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретига қандай чизғилар билан бойитиш мумкин?Аёл барча даврларда энг аввало «Она»дир, кейин эса у бошқарувчи ва буйсунувчи, эргаштирувчи ва эргашувчи ҳамдир. Оналик бу табиат қонуни ва уни бузишга ҳаракат қилганлар адашганлар тоифасига киради. Ижтимоий фаолияти эса унинг иқтидори, қобилияти, ташаббускорлиги билан белгиланади. Ҳеч бир даврда аёллар фақат бошлиқ бўлиши ёки фақат эргашиши лозим деб ҳисобланмаган. Аксинча ҳозирги кунда аёлларга муносабат ижобий томонга ўзгариб, уларнинг она бўлиши билан бир қаторда потенциал қобилиятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## 1.2. Хотин-кизлар фаолиятини куллаб-кувватлаш Узбекистонда давлат сиёсатининг устивор йуналишларидан бири эканлиги.

Узбекистон Республикаси уз мустакиллигини кулга киритгач, давлатимиз ва унииг рахбарияти мустакил мамлакатимизнинг фаол инсон лари булган хотин-кизларга катта им кон бермокда. Узбекистонда хозирги замон аёллар харакатининг янги боскичи 1991 йилдан бошланди деб хисоблаш мумкин. Лини шу йилнинг 25 февралида Республика Хотин-кизлар Кенгашининг .11 Пленумида аёлларнинг ижтимоий, фукаролик, маданий ва иктисодий хукукларини химоя килувчи илк жамоат ташкилотларидан бири -Узбекистон Хотин-кизлар кумитаси ташкил топди.

1991 йил 21 июнда Адлия идораларида Узбекистон ишбилармон аёллари "Тадбиркор аёл" уюшмаси руйхатга олинди. Шу йилнинг узида (28 ноябрда) Хотин-кизлар кумитаси хам Адлия идораларида руйхатдан утказилди. 1992 йил 4 сентябрда республикадаги учинчи йирик аёллар ташкилоти Узбекистон олима аёллари "Олима" уюшмаси руйхатга олинди.

1995 йилда Пекинда Халкдро аёллар харакатининг янги устивор йуналишларини белгилаб берган ва аёлларнинг фукаролик салохиятини амалга ошириш учун янги имкониятлар очиб берган Жахон аёлларининг IV форум и булиб утди.

Пекин тадбирлар Платформаси Низомини хаётга жорий килиш максадида Миллий тадбирлар режаси ишлаб чикилди ва Узбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ва жамият курилишида аёлларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тугрисида" Фармони кабул килинди. Фармонга мувофик барча даражадаги ижроя хокимият идораларида маъмурият рахбари уринбосари лавозимларидан бирига аёллар вакили тайинланди. Мазкур фармон оркали хукумат аёллар масаласини давлат ахамиятига молик масала даражасига кутарди .

11резидентимизнинг ушбу Фармонига биноан Республика Хотин-кизлар кумитаси раисига Бош вазир уринбосари, Кораколпогистон Республикаси Хотин-кизлар кумитаси раисига Вазирлар Кенгаши раиси уринбосари, вилоят, шахар, туман хотин-кизлар кумиталари раисларига эса хоким уринбосарлари макоми берилди. Вазирар махкамаси таркибида хотин-кизлар ишлари булими ташкил этилди.

Узбекистан Республикаси Президентанинг Фармони билан 1998 йил "Оила йили" деб эълон килинди ва шу йилнинг 27 январида Узбекистан Республикаси 'Вазирлар Махкамаси томонидан тегишли дастур тасдикдаыди. Олий мажлиснинг IX сессиясида умумхалк мухокамасидан сунг "Оила Кодекси"нинг бир овоздан кабул килиниши ва амалиётга тадбик этилиши жуда катта вокеа булди. Айникса, Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 2 феврадаги 54 сонли Карорига биноан Республика "Оила" илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги аёлларга кандай эътибор берилаётганлигини амалда курсатиб берди.

Аёлларнинг ижтимоий ва моддий ахволини яхшилаб бориш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини ошириш максадида 1999 йил Узбекистан Республикаси Президентининг Фармонига биноан "Аёллар йили" деб эълон килинди. Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 18 феврал 73-сонли Карори билан аёллар манфаатларини таъминлаш ва химоя килиш буйича 1999 йилга мулжалланган чора-тадбирлар Давлат Дастури тасдикланди.

Аёлларнинг ижтимоий хаётдаги макомини оширишга каратилган барча имконият ва саъй-харакатларини бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамиятнинг янгиланишида аёллар иппирокини кучайтириш учуй шароит яратиш - 1999 йилнинг устивор вазифаларидан бири килиб белгиланди. Аёллар йили муносабати билан кабул килинган Давлат Дастури мамлакатнинг сиёсий, иктисодий ва ижтимоий хаётда, бозор иктисодиётини шакллантириш хамда

жамиятнинг маънавий-маърифий асосларни мустахкамлашда аёлларнинг макоми ва урнини мустахкамлашга каратилган.' Уни амалга оширишда давлат бюджета, бюджетдан ташкари фондлар, касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотлар, хомийлар маблаглари, чет эл кредитлари ва Халкаро ташкилотларнинг ёрдамлари хисобидан жами 72 миллиард сумдан ортик маблаг ажратилди.

Тадбирларга Республика ва махаллий бюджетлар хисобидан 51,2 миллиард сумдан ортик маблаг сарфланди. Шу жумладан, 40,7 миллиард сум куп болали ва кам таъминланган оилаларга ердам бериш учун сарфланди. 3,5 милиард суми биринчи синф укувчиларининг дарсликлар ва укув куроллари билан таъминлашга хамда кам таъминланган оилалар болаларига мактаб кийим кечакларини олиб беришга сарфланди.

Аёллар ва болаларни согломлаштириш учун согликни саклаш объектлари куришига ва шунингдек медицина ташкилотларини энг янги медицина ускуналари билан жихозлаш учун 7 миллиард сум сарф килиш мулжалланди.

350 минг нафардан зиёд аёлнинг мехнат ва хаёт шароитини яхшилаш, нафакага чикиш арафасида турган, фахрий ва ёш болали аёллар даромадини ошириш болаларни тарбиялашдаги имкониятларини ошириш учун Дастурда кузда тутилганидек катор конуний чора тадбирлар амалга оширилмокда.

Ушбу Дастурни амалга ошириш нафакат иктисодий сохада, балки ижтимоий хамда инсонпарварлик мезонларидан Караганда хам катта ижобий натижаларни беради. 1999 йил чора-тадбирлар Дастурининг кабул этилиши билан давлат уз зиммасига куйидаги принципиал янги вазифаларни хал этиш мажбурияти хамда масъулиятини олмокда:

иктисодий сохада - Дастурни амалга ошириш учун катта молиявий маблагларни ажратмокда;

ижтимоий йуналишда - аёлларни иш билан таъминлаш, таълим савиясини ошириш, согликни мустахкамлаш билан бир каторда, уларнинг бошкарув ва хукумат тизимларига, нохукумат ташкилотларига фаол жалб этиш, баъзи мамлакатлар, аникроги МДХ фаркли уларок, уларни куллаб-кувватлаш борасида бир канча чоралар кузда тутилган;

инсонпарварлик сохасида аёлларни улуглаш учун шарт-шароит яратилиши, гоявий-маъмурий ривожланишдаги уларнинг урни ва хиссасини юксак бахоланиши, уларни хукукий ва ижтимоий химоялашда тенг хукуклийлигини кучайтириш.

Аёлни мукаддас билиш, унга алохида эхтиром курсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги булган хар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги бекиёс урнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, окила, хотин-кизлар авлодини вояга етказиш улар орасидаги иктидорли ёшларни адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуклари, тенгдошларининг миллий истиклол гоялари ва маданий-маънавий кадриятларни юксалиш йулидаги ибратли фаолияти, кенг куламдаги ислохотларнинг жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рагбатлантириш максадида 1999 йил 10 июнда Узбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш буйича таклифларни куллаб-кувватлаш тугрисида» ПФ 2326-сонли Фармони эълон килинди.

Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий укув юртларида аъло хулки, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, укишдаги муваффакиятлари билан алохида истеъдодини намоён килиб таълим олаёттан, истиклол гюяларни амалга ошириш йулида астойдил мехнат килаётган кизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим сохаларидаги ютуклари учун берилади.

Мазкур Фармонга мувофик Зулфия номидаги Давлат мукофотини Кораколпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри

вакилларига биттадан хар йил и 8 март Халкаро хотин-кизлар байрами арафасида топширилиб келинмокда. Бутунги кунга келиб Зулфия номидаги Давлатмукофоти совриндор кизлари сони 94 нафарга етди. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши хукуматимизнинг ёш иктидорли кизларнинг илмий ва ижодий фаолиятлари янада ривожланишларига имкон яратди.

Янги минг йилликнинг дастлабки йили (2001) мамлакатимиз Президента И.А.Каримов ташаббуси билан «Оналар ва болалар» йили деб зълон килинг анлиги *инсон* манфааглари, оила, аёллар ва соглом авлод йилида олиб борилган хайрли ишларнинг узвий давоми шу билан бирга юртбошимиз ва давлатимиз томонидан хар бир фукаро айникса, хотин-кизлар ва ёшлар хакидаги гамхурликнинг амалий исботи десак янглишмаймиз.

«2001 йил 5 февралда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори билан «Она ва бола» Давлат Дастури тасдикланганлиги она ва бола гамхурлиги йулида давлатимиз сиёсатининг узвий давоми булди. Табиийки бу йилда хам соглом авлодни тарбиялащ, аёл, онанинг жамиятдаги ролини амалга ошириш борасида кенг камровли ишлар давом этди. Буларнинг барчаси хотин-кизлар масаласи республикамизда давлат сиёсати даражасига кутарилганидан далолат беради. Мамлакатимиз ахолисининг 51 фоизини. ишчи кучининг 45 фоизини аёллар ташкил этар экан бу табиий жараён» '.

Мамлакатимизда 2004 йил «Мехр ва мурувват йили» деб эълн килинишини Узбекистон хотин-кизлари алохида бир кутаринкилик билан кутиб олди. Худди шу йили, яъни 2004 йил 25 майда Узбекистон Республикаси Президента И.А.Каримовнинг «Узбекистон Хотин-кизлар кумитаси фаолиятини куллаб-кувватлаш борасидаги кушимча

чора-тадбирлар тугрисида» ПФ-3434-сонли Фармони[8], Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 29 июндаги «Узбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Узбекистон Хотин-кизлар кумитаси фаолиятини куллаб-кувватлаш борасидаги кушимча чора-тадбирлар тугрисида» ПФ3434-сонлифармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида» 299-сонли карори" кабул килниши Узбекистон аёлларнинг оила, жамият ва давлат курилишидаги урнини янада оширади.

«Фармон эркин демократик давлат хамда фукаролик жамиятини курит йулидан бораётган Узбекистон аёлларининг оила, жамият ва давлат курилишидаги урни ва ахамиятини янада ошириш, уларнинг барча сохадаги хдк-хукукларини амалда кафолатлаш, бу ишларга бош-кош булиб турган уз атрофида минглаб аёллар ташкилотлари ва фаолларини бирлаштирган Республика Хотин-кизлар кумитаси олдига масъулиятли вазифаларни юклайди.»[9]

Фармон бандларини тахлил этар эканмиз унда Хотин-кизлар кумитаси ва унинг жойлардаги барча булимлари зиммасига куйилаётган вазифалар хар бир фидойи аёл уз фаолиятида янги жамият куриш йулидан бораётган ватанимизга уз хиссасини кушиш масъулиятини янада оширади.

---

**[8] Жураева Н.Хотин-кизлар муносабати жамият ютуқлигининг мезони. Ижтимоий фикр. Инсон хуқуқлари Журнал. 2003. 4-сонли**
*
**[9] Инамова С. Хотин-кизлар ташкилоти: истикболдаги режалар. Оила илмий-амалий журнали. 2004. 2-conJ-o.**

## II-БОБ. Мустакиллик йилларида жамият хаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислохатларда хотин қизларнннг ўрни ва роли.

### 2.1. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маънавий фаоллигини ошириш усуллари.

Юртимизда давлат ва жамият ишларида аёллар иштирокини таъминлашда хукукий кафолатлар яратиш, уларни рахбарлик лавозимига кутариш, нодавлат ва халкаро ташкилотлар фаолиятилари иштирокини кенгайтиришга катта ахамият каратилмокда. Ана шунай нодавлат ташкилотлардан бири Узбекистон ишбилармон аёллари «Тадбиркор Аёл» уюшмасидир. Уюшманинг максади аёлларнинг шаклaниб келаётган янги мехнат бозорига мосашиши учун кулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини куллаб-кувватлаш, тадбиркор аёлларнинг хукукларини химоя килиш, уюшма аъзоларининг манфаатларини ил гари суриш, тадбиркорликни турли шаклларига кумаклашиш, амалий ҳамкорликда ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашдан иборат.

Ассоциация ташкил топган вақтдан буён куйидаги лойихалар ташаббускори ёки иштирокчиси булди:

БМТРД лойихолари: «Бизнес-инкубатор» янги технологияларни жорий этиш билан боглик тадбиркорликни шакллантириш учун имтиёзли шароитлар яратиш; «Аёллар ривожланишда» дастури.

Европа Иттифоки Комиссияси (ЕИК) лойихапари (ТАСИС дастури): «Бозор куникмаларини ривожлантириш маркази» бизнесни ташкил килиш ва бошкаришни ургатиш, рахбар кадрларнинг савиясини ошириш, Англия ва Италияда тажриба оишриш, Европа давлатларининг тажрибасини куллаган холда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш; «Кичик ва урта корхоналарни ривожлантириш Агентлига» - корхоналар тугрисида маълумотлар

банки яратиш, бизнес-режалаштириш ва маркетинг сохаларида консультациялар бериш.

АКД1 лойихалари ва дастурлари: Мехр-шафкат Корпуси - Ассоциация аъзоларини имтиёзли кредитлар билан куллаб- кувватлаш ва укув дастурлари учун грантлар ажратиш. Ассоциация ташкилотларига техник ёрдам курсатиш; Винрок кишлок хужалиги института, «Фермер-фермерга» дастури - Республиканииг барча вилоятларида кредит уюшмалари тузиш буйича тренинглар утказиш, волонтерлар ва экспертларни жалб эташ; Америка хукук консорциуми - «Тадбиркор аёлларга хукукий таьминот» лойихаси Республиканииг 9 вилоятида ва Тошкент шахрида семинарлар утказилди. Семинар катнашчилари конун ва меьёрий хужжатлар туплами (соликка тортиш, бозор муносабатлари шароитида сугурталаш асослари, шартнома хукуки буйича) билан таъмишшндилар; Каунтерпарт Интернэшнл Республика вилоятларвда яшовчи 200 нафар аёлга бизнес сохасида таълим беришга хомийлик; Каунтерпарт Консорциум нодавлат, иктисодий, жамоат ташкштотларини тузишда кумаклашиш ва куллаб-кувватлаш, хунармандчиликни ривожлантириш; Глобал лойиха - АКШда укитиш.

* ГТЦ «Бизнесга кумаклашиш Маркази»: тадбиркорларни тайёрлаш, кайта йуналтириш ва малакасини ошириш буйича укув маркази ташкил этиш. Марказ CEFE услуби буйича ишловчи МДХдаги ягона ташкилот хисобланади хамда нафакат Узбекистон, балки МДХнинг бошка давлатлари учун хам мугахассислар тайёрлайди. «Экспортга кумаклашиш» лойихаси: лойиха доирасида узбекистонлик мутахассисларни экспорт масалалари буйича укитиш амалга оширилмокда.

* ЭпоГлойихаси (Германия): маданий хамкорлик, Узбекистоннинг халк амалий санъатини таргиб килиш; тикувчилик устахонларини, кулолчилик фаолиятини йулга куйишда кумаклашиш.

* Карл Дуйсберг жамияти лойихалари: немис тилини урганиш буйича жадаллаштирилган курслар очиш, тадбиркорларга Германияда 1 йил тажриба оширишлари учун имконият яратиб бериш, «Юлдуз» ХЖ, «Красная заря» ХЖ, «Шарк гули» ХЖ, Андижон тукимачилик саноати корхоналари рахбар ходимларини менежмент асосларига укитиш; экология ва атроф-мухитни мухофаза килиш сохасида ишДовчи мутахассисларни укитиш.

Гер.манияда иктисодиёт ва экология буйича тажриба оширишни ташкиллаштириш.

Майни Ху'нармандлар Палатаси: Тошкент шахри ва вилоятларда аёлларни касбга укитиш ва малакасини ошириш (бичиш ва тикувчилик, каштачилик, кандолотчилик, саватлар тукиш. галамдузлик. сартарошлик санъати.. дизайн).

* «Текстима» фиумаси вакиллари билан лойихалар: кичик тикувчилик корхоналари рахбарларини Германиядан укитиш ва тажрибаларини ошириш.

Ассоциация кумагида 59608 ишчи урни яратилди, 6050 аёл касбга кайта тайёргарликдан утишди ва малака оширдилар.

Ассоциация кошида фаолият юритувчи «Химоя» хукук маркази ва «Дримс» фирмаси тадбиркор аёлларга зарур хукукий хизматларни курсатмокда. «Зумрад» маданият марказиноширлик фаолияти. хамкорлар билан маданий алокаларни ривожлантириш, оммавий-маданий тадбирлар уюштириш билан шутулланади.

Ассоциация тадбиркорлик билан боглик рискларни сутурталовчи «Мадад» сугурта компаниясиынг таъсисчиларидан бири саналади.

Ассоциация аёллар учун «Санам» безакли журналини нашр килади.

Ўзбекистоннинг «Тадбиркор асл» ишбилармон аёллар Уюшмаси “Caunterpart International” кумагида хусусий товар ишлаб чикарувчиларинг куллаб-кувватлашга каратилган тадбир утказди.

Лойиханинг у мумий киймати 12 минг АКД] долларига тенг булиб, ундан 10 минги « Caunterpart Internationa!)) улушидир. Лойиха Узбекистоннинг Тошкент, Фаргона ва Самарканд вилоятларини камраб олади. Мазкур лойиха тадбиркорларнинг мурожаатномалари ва таклифларини йигиш хамда даврийлаштириш, хусусий тадбиркорлар томонидан импорт ашёларни Узбекистон келтириш ва Узбекистонга келтириш ва улар томонидан ички бозорида сотилишига оид меъёрий-хукукий базани узгартириш юзасидан у мумий йўриқномани ишлаб чикишни кузда тутади. Бош максад иш жойларини кўпайтириш, мамалакат ахолисининг турмуш даражасини ва даромадини оширишдан иборат.

Бугунги кунда тадбиркор аёллар жамиятимизда иктисодий ривожланиш ва иктисодий баркарорликни таъминлаш борасида фаол мехнат килмокдалар. Улар томонидан ишлаб чикарилган махсулотлар жахон бозорларида ҳам уз урнини топмокда. «2005 йилда Женсвада тадбиркор аёллар форуми булиб утди. Мазкур форум Швецариянинг Женева шахрида БМТ нинг Европа комиссиЯси гомонндан ташкил этилган жахон тадбиркор аёлларининг иккинчи форуми эди. Анжуманда уЗбекиетонлик тадбиркор аёлларнинг узлари яратгап нафис ва ноёб миллий либос ва буюмлар кургазмаси ташкил этилди. Форумда Бухоро зардузлик фабрикаси директори Махфуза Салимова Йилнинг энг яхши хунармапди» деб гопилди. Форумда Жахоннинг 40 га якин давлатидан 300 га якин тадбиркор аёл иштирок этди. Упда, асосан халкоро банклар хакида кенг маълумот берилиб. кредитларни жалб этиш йуллари хамда тадбиркорликнинг Интернет оркали фаолият юритишига оид маслахатлар мухокама эгилди. Беш кун даном этган форумда дунёнинг кузга куринган етакчи банкларининг такдимоти. Упда тадбиркорларга курсатилиши мумкин булган барча хизмаглар ва кумаклар юзасидан маълумот берилди. Шу билан бирта, тадбирда иштирок этган барча давлатларнинг тадбиркор аёллари уз фаолияти

хакида сузлаб берди. Узаро хамкорликни йулга куйиш буйича музокаралар олиб борди.

Президентимиз И.Каримов рахпамолпгида кичик бизнес ва хуеуеий тадбиркорликнинг жадал рнвожи учун ярагилаёгган имкониятлар самараси уларок, бугунги кунда у шоу соха нафакат иктисодиётни усиш суратини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун иихоятда мухим булган бандлик ва ахоли даромадларшш ошириш масаласини хал этишда ҳам етакчи урин тутмокда. Мамлакатимизда ишлаб чикарилаётгап ялпи ички махсулотии карийб 76 % м, саноаг махеу лотларининг 78 % и, кишлок худудидаги ва чакана савдо уюшшмаси деярли барча махсулотлари нодавлат сектор улушига тугри келмокда. Нодавлат секторда 77 % ёкн иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг 4/3 кисми меҳнат килмокда. Мамлакатимизда эришилган бундай натижаларга Узбекистон Республикаси Президент совршIи учун утказилиб келипастгап аньанавий «Ташаббус» курик танловининг хам алохида урни бор. «Ташаббус-2006» республика курик танлови якунларига кура, «Энг яхши тадбиркор» йуналиши буйича бухоро шаҳрида фаолият юритаётган «Ш ахЯоз-Шахром » хусусий ишлаб чикариш корхонаси рахбари Мухаббат Тешаева. «Энг яхши хунарманд» йуналиши буйича Кашкадарё внлоятининг Шахрисабз туманида яшовчи хунарманд Гулнора Одилова ғолиб деб топилди.[10]

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида талай иктисодий ҳамда ижтимоий омиллар борки, улардан тулик ва окилона фойлаланиш мамлакат тараккиётининг юксалиши ва халкнинг фаровонлигини ошищига хизмат қилади. Ана шундай омилларлардан бири-аёлларнинг тадбиркорлик куникмаларйни шакллантириш, иктисодий тафаккурйнинг давр талаблари даражасига кутариш,

---

**[10] Июмсолнй исло.чаглар амалда. linp:.'/www.un.uz.'downloatl.php?iype !455&doc" 50.60**
**Хайлтов О. Тадбиркор аёл: у кандай булиши керак?.Оила журнали.2004 йил, 1-сон 61-бет.**

уларнинг ташаббускорлити, интплишлари хамла саъй-харакатларш а кеш мул очно бериш хнеобланади.

Мустакиллик даврида Узбекистонда аёлларнинг нафакаг ишлаб чикариш. маориф. тиббиёт, маиший хнзмат сохаларидаги иштнроки, балки уларнинг тадбиркорлик фаолияти ва ташаббуслари куллаб-кувватланиб, рағьатлантирилмоқда. Аммо. аёлларнинг рахбарлик ва тадбиркорлик кобилиятини руёбга чикариш ва янада ривожлантириш учун хали куп иш килинмоги лозим. Масалан, аёлларни талбиркорлнк фаолияти га жало этиш. уларда ишбилармоплик куникмаларйни лунда килйб айтганда, ммопаиии тадбиркор аёл имиджини шакллантириши ана шундай муаммолар сираенданлир.

Замонавий аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига ундовчи омилларни тахдил этишдан олдин унга хос булган аёрим хислатлар хусусида тухталиб утиш лозим.

Биринчидан, тадбиркорлик фаолиятида аклий салохият хусусиятининг ахамияти бекиёсдир. Бундан ташкари, билимдонлик, кийинчиликларни олдиндан кура билиш лаёкати, ижтимоий мулжалларнинг асослангани, бажариш лозим булган ишларни сабаб ва окибатларини олдиндан тасаввур кила олиш ижодий ёндаша олиш кобилияти каби сифатлари тадбиркорнинг максад-муддаоларини аниклаб олишй хамда фаолиятини окилона режалаштиришга имкон яратади.

Иккинчидан, тадбиркор муомала маданияти, одамлар билан кириша олиш кобилиятига эга булмоги лозим. Жумладан, купчилик фикридан тугри хулоса чикариш, бошкалар фикрини сабр-токат билан эшитиш, зарур холларда охиригача уз нуктаи назари ва манфаатларини химоя кила олиш, турли тоифа жинс ва ёшдаги кишиларга фикрини тушунтира билиш, ана шундай фазилатлардандир.

Учинчидан, тадбиркор купинча таваккал иш тутишга мажбур булгани боис у кучли ирода сохиби булиши керак. Бунин г учун эса

журъат, саъй-харакат, истак ва эхтиёжларини назорат кила олиш, ракобатбардошлик, максад сари интилувчанлик, уз «мени»га хос фазлатларни намоён этиш оркали купчиликнинг эътиборш а сазовор булиш, катьият, татабчанлик, жасорат, дадиллик каби фазилатлар талаб этилади.

Туртинчидан, тадбиркор зиммасига катта масъулият олгани, кечаю-кундуз тиним билмай ишлагани учун тани саломат, рухияти тетик ва мустахкам булмоги зарур.[1]

Аввало ушбу жараёнда иштирок этаётган кишилар орасидаги жинсий гафовутлар назарда тутилади. Хозирги вактда ижтимоий фойдали мехнат билан банд булганларнинг ярмидан купроги хотин-кизлар булганлиги сабабли уларда тадбиркорлик куникмаларйни шакллантириш бозор муносабатларига утиш шароитида мухим ахамият касб этади.

Тарихдан маълумки, Урта Осиёда аёллар азалдан уй бекаси сифатида рузгор юмушлари ва -фарзандлар тарбияси билан шугулланиб келган. Аммо бу билан улар ижтимоий мехнат билан шугулланмаган, оилага даромад келтирмаган, дейишга асос йук. Дейлик утган асрнинг бошларигача оилалар хисобига тушадиган даромаднинг каттагйна кисми аёллар улушига тугри келган.

Хуш, хозирги вактда бу борадаги вазият кай тарзда узгарди? Тадбиркорлик сохасида аёллар кандай урин тутади?

Биз утказган тадкикот натижасига кура, замонавий тадбиркор аёллар бировларнинг ёрдами билан эмас, гашаббуси, интилиши ва кобилияти оркали моддий ва маънавий эхтиёжларни кондиришда фаол иштирок этишни афзал куради.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик куникмаларйни ва замонавий тадбиркор аёл имиджини шакллантириш учун, бизнингча, куйидаги масалаларга эътиборни каратиш лозим булади.

1. Мехнат муносабатлари ва мехнатни ташкил этишда муайян фарк ва тафовутлар мавжудлиги инобатга олиш шарт.

2. Аёлларнинг тадбиркорликка мойиллигининг ижтимоий-психологик жихатлари ва мехнат мотивациясини илмий асосда урганиш хамда тахлил этиш.

3. Кизларимизда тадбиркорлик куникмаларининг шаклланишида оила, ота-онанинг урни бекиёсдир. Масалан, кизлар онгига ёшлигиданок азалий миллий кадриятлар хамда тадбиркорлик анъаналари сингдириб борилса, уларда окилона иш юритиш, тежамкорлик, ишбилармонлик хислатлари шаклланитирилса, бу албатта уз самарасини беради.

4. Таълим. муассасаларида (мактаб, лицей, коддеж, олий укув юртлари) хам ёшларимизнинт иктисодий тафаккурини ривожлантириш, тадбиркорлик психологиясини шакллантиришга хизмат киладиган махсус укув курсларини киритиш (тадбиркорлик тарихи, маркетинг, менежмент, ишбилармонлик психологияси ва ахлоки) максадга мувофикдир. Шунингдек, психология, педагогика, иктисодиёт каби фанларга шу сохага оид мавзуларни киритилиши хам фойдадан холи булмас эди.[1]

25-27 июл кунлари Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларида Узбекистон хотин-кизлар кумитаси, Республика Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан ва жойлардаги хамкорлар биргалигида аёллар уртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва куллаб-кувватлаш, оиланинг иктисодий асосларини мустахкамлаш, 2007 йил "Ижтимоий химоя йили" муносабати билан кам таъминланган хамда ногирон аёлларини уз бизнесларини йулга куйишларига кумаклашиш максадида "Микрокредит бериш ва кичик бизнесни урганиш" мавзусидаги семинар-тренинг утказилди. Тренинг давомида иштирокчилар аёллар учун хукумалимиз томонидан яратилган имтиёзлар ва хотин-кизлар фаолиятини куллаб-куватлаш юзасидан кабул килинган карорлар билан

кисман гаништирилди. Четга товар ишлаб чикаришда махаллий хом-ашёлардаи фойдалаиииш ва махаллий хунармандчиликни кенгайтириш юзасидан таклиф-мулохазалар билан мутахассислар ва иштирокчилар уртасида сухбат булиб утди. Бундан ташкари "Микрокредит" олиш юзасидан хужжатларни кандай расмийлаштириш ва кредит масалалари ва юналишлари, "Тадбиркорликни илк кадамлари ва бизнес режалар", "Аёлларни тадбиркорликка жалб килишда касаначиликни тутган урни", "Хунарммандчилик-тадбиркорликни таркибий кисми сифатида", "Бизнес режа", "Уз бизнесингни бошла" мавзуларида кизикарли бахс-мунозаралар бўлиб утди.

Семинар давомида микрокредиилар берилиши ва фоизлар юзасидан хам савол-жавоблар булиб утди. Хунармадчилик билан шугулланувчи иштирокчилар томонидан уз махсулотлар ярмаркаси ташкил килинди. Микрокредит банк билаии келажакда узаро хамкорлик килиш режалари тузилди.

Узбекистон Хотин - кизлар кумитаси юртимиз аёлларининг муаммоларини хал этиш, уларнинг ижтимоий мавкеини юксалтиришга салмокли хисса кушмокда. Кумита ташаббуси билан Хиндистоннинг Ню-Дели шаҳрида утказилган халкаро анжуманда ўзбекистонлик аёлларнинг иштирок этиши фикримизнинг яккол исболидир. Унда Фаргоналик тадбиркор Матлубахон Исмоилова хорижлик хамкорлари, яъни Кашмир, Бангладеш, Афгонистондаги тадбиркор аёллар учун бар йил и 8 минг дона узбек дупписи етказиб беришга келишиб олди.

Анжуманда ишлирок этган Швеция, Беларус, Қувайт давлатларининг тадбиркорлари оддий ковокдан тайёрланган рузгорбоп махсулотлардан хайрати ошиб, узбек аёлларининг ишбилармонлиги, нозик дид ва истеъдод билан дунё ахлини лол колдиришга кодир эканлигини эътироф этишди.

Юртимиз вакиллари кургазма жараёнида уз фаолиятини ривожлантириш учун сут махсулотларини кадоклаш ускунаси ва

пишириклар тайёрлаш учун кичик Цех сотиб олиш туғрисида шартнома туздилар.

Узбекистон хотин - кизлар кумитасида халкаро конференция ва кургазмада катнашган тадбиркорлар. хамкор ташкилот вакиллари хамда оммавий ахборот воситалари иштирокида утказилган матбуол анжуманида узбек аёлининг мамлакат Тараккиёти учун масъуллиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги урни хакида фикирлар билдирилди. Анжуман иштиркчилари сафар таассуротларини уртоклашдилар.

- Юздан ортик давлат вакиллари уз махсулотлари билан катнашган барчамиз учун муваффакиятли булди, - дейди Кашкадарё вилояти "Гулшан" хусусий фирмаси рахбари кундуз Каромова. - Хусусий, нон ва нон махсулоллари хамда пишириклар тайёрлайдиган Сех учун техналогиялар етказиб бериш буйича хамкорлар билан шартнома туздик. Бу келгусида нафакат фаолият самарадорлиги нафакат фаолият самарадорлиги ошишига. балки иш уринлари купайишига хам олиб келади.

Юртимиз аёлларининг истеъдод ва диди хакида хамкорлардан илик фикирлар эшитганда жуда хаяжонландим, - дея сухбатга кушилди Фаргона вилояти вакили Мавжуда Хурсанова. - Биз у ерда хамкор, хамфикир аёлларнинг кобилияти, иктидорини намоён этувчи кургазмалар, махсулотлар билан бирга урф-одатлари, анъаналари билан хам танишдик. Техник ва технологияларни ишлаб чикаришга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнес режани амалга ошириш буйича узаро тажриба алмашдик.

Бир суз, билан айтганда, мамлакатимиз тадбиркор аёлларнинг эришган ушбу ютуклари келгусида янада кенгайиши, бу эса уз навбатида юртимиз иктисодиётига муносиб улуш булиб кушилисби шубхасиздир.

Хорзирги даврда Хотин кизлар кумиталаринг фаолияти аёлларни иш билан таъминлаш муаммосини хал этишга, шу жумладан, вактинчалик иш уринларини барпо этиш, касаначилик мехнатини ташкил килиш ва хотин-кизларни ишга жойлаштиришнинг хар хил шаклларидан фойдаланишга каратилиши лозим. Аёлларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш ,уларнинг мустакиллиги, фаол ижтимоий, хаётий позицияга эга булишларни мухим шартидир. Шуни ва бошка мухим олиаларни хисобга олган ВазирларМахкамасининг карорига мувофи, 2005-2007 йилларга мулжалланган хотин-кизларни иш билан таъминлаш худудийдастурлари амалиётга киритилмокда. Аник чора-тадбирларга кура шу йилларда 614,4 минг хар йили 205 минг нафар аёл иш билан таъминланиши кузда тутилган. 2005 йилда хотин-кизлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларни иктисодий томондан куллаб-куватлаш максадида 2300 мингдан ортик аёл иш билан таъминланганки, бу дастуркурсатгичининг 109% бажарилишини курсатди. Аёллар тадбиркорлигини куллаб куватлаш максадида "Кредит уюшмалари" ташкил этилди минглаб аёлларга кредит ёрдамй берилди.

Хотин-кизларнинг фаол лиги уларнинг мамлакат хаётининг барча сохаларида тулаконли иштирокини урганиш масаласи, биринчидан, аёллар ижтимоий мавкейининг бугунги холати, иккинчидан, жамиятнинг тенг хукукли фукароси сифатида кобилият ва имкониятларини тулик; руёбга чикаришга тускинлик килаётган омилларни аниклаш ва нихоят учинчидан, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини бегилаш имкониятини яратади.

Мазкур масаланинг энг мухим жихатини аниклашда, бизнингча, куйидаги курсаткичлардан фойдаланиш максадга мувофик:

эркаклар билан аёлларнинг тенг хукуклилиги тугрисида тасаввуларнинг мавжудлиги;

- бу борадаги муайян тенгсизлик холарини келтириб чикараётган сабаб ва омиллар;

- хак-хукукларини химоя эта олиш даражаси;

- аёллар хукукий саводхонлигининг даражаси;

- фукаролик хукукларниинг кафолатлангани ва химоя этилганлигини англаб етиш;

- оила ва жамиятдаги мавкси ва обру-эътиборини англаш даражасини;[11] Мамлакатимизда хотин-кизлар масалалари ва уларни тахлил килиш,

жамоатчилик фикрини урганиш, маълумотлар туплаш ва тайёрлаш,

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини урганиш марказининг асосий вазифаларига киради. Хотин-кизларнинг хукукий саводхонлигини урганиш масаласида мазкур марказ утказган бир нечта тахлилларни куриб утишимиз мумкин.

"Хукукий саводхонлигингиз даражасини кандай бахолайсиз?"

Юкори - 7,4 % Уртача - 66,2 % Паст-17,9% Жуда паст - 2,8 %

Суровда иштирок этган аёлларнинг Узбекистон конунларининг канчалик билиши хам уларининг хукукий саводхонлиги даражаси хакида муайян хулоса чикариш имконини беради. Хусусан, респондентларнинг 58,8 фоизи Узбекистон Конституциясини «кисман», атиги 20 фоиздан юкорироги «яхши» билишини маълум килгап. Хар икки аёлдан бири Фукаролик Кодексини, хар учтасидан биттаси талим тугрисидаги, Жиноят Кодексини ва бандлик тугрисидаги конунни кисман билишини этироф этган.

Тадкикот натижаларига кура, масалан, олий ва туликсиз олий маълумотли зиёлилар, талаба - кизлар хал к таълими тизимида хизмат килаётган хотин-кизлар конунларимиз хакида яхшигина тасаввурга эга

---

[11] **Убайдуллаева Р..Бекмуродов М. Ижтимоий фикр кўзгусида. Оила журнали. 2004 1-сон. 24 бет.**

эканлиги, аммо «Бандлик тугрисида»ги Конунни аксарият хотин-кизлар билмаслиги маълум булди.[12]

Бугунги кунда хотин-кизларнинг хукукий саводхонлиги кай даражада эканлиги уларнинг сиёсий жараёнларда кандай урин тутаётганлиги билан хам белгиланади. Аёлларнинг сиёсий хукуклари ва эркиштиклари узок йиллар мобайнида олиб борилган курашлар, камситишлар ва йукотишлар эвазига вужудга келган.

1979 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан кабул килинган «Аёлларга нисбатан турли шаклдаги камситишларни гугатиш тугрисида»ги

Конвенсияда аёларнинг сиёсий хукуки таъминланганлиги улар сиёсий жараёнларнинг фаол' иштирокчисига айланиши учун туртки булди Узбекистонда 1995 йилда ратификация килинган). «Унда шундай дейилади: «Сиёсий ва жамоат хаётида хотин-кизлар камситилишига бархам бериш юзасидан барча тегишли чоралар, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар яратиш асосида куйидаги хукуклар таъминланади:

а) сайловларда овоз бериш;

б) барча оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

в) хукумат сиёсий ишлаб чикарилиши ва амалга оширилишида иштирок этиш;

г) давлат мансабларини эгаллаш, шунингдек давлат бошкарувини барча даражаларида барча давлат амалларини бажариши;

д) мамлакатнинг жамият сиёсий хаёти муамолари билан шугулланувчи нодавлат ташкилотлар ва уюшмалар фаолиятида иштирок этиш.»

---

**[12] Уша жойаа.27- бет**
**' Уразалиева Г. Аёл сиёсат субъекти. Фалсафа ва хукуку журнал 2005**^-004**.46-** 661.
**Хужаева** *c'.* **Хотин-кизлар сиёсий фаоллиги. Оила журнали. 2004., 1-сон. 20 бет.**

Аёллар давлат, нодавлат ташкилотларида рахбарлик уринларига дадил чикмокдалар, шунга карамай, таркиб топган муомала амалиёти ва аёллар хакида идрок этишнинг салбий андозалари хамон сакланиб келмокда. Бу жараён аёлларнинг давлат бошкарув органларида иштирок этиши ва сиёсий салохиятларини руёбга чикаришда жиддий тусикдир. Бунинг бир канча сабаблари булиб, уларнинг айримлари куйидагилар:

1) аёлларнинг хукукий ва сиёсий билимлари даражасининг етарли эмаслиги;

2) эскириб, яроксиз холга келиб колган айрим одат меъёрларнинг «кадрият» сифатида тан олиниши.[1]

Фукаролик жамияти хар бир кишидан ижтимоий фаолликни талаб этади. Ижтимоий фаоллик эса хукукий саводхонлик билан узвий боглик булган жараёндир. Узбекистон Республикаси Конституииясида хотин-кизларнинг иктисодий ижтимоий хукуклари билан бирга сиёсий хукуклари хам кафолатланган. Жумладан, улар давлатни бошкариш тизимидаги лавозимларга, Олий Мажлисга ва махаллий хокимиятларга сайланиш ёки сайлаш, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш, хусусий корхоналар очиш ёки талбиркорлик билан шугулланиш имкониятига эга. Демак. хотин-кизлар Узбекистон Республикасининг барча фукаролари катори, хукукий нуктаи назарлан тенг булиб, кизикиши ва хаётий эхтиёжларига караб, муайян фаолият тури билан шугулланиши, давлатни ва жамиятни бошкаришда иштирок этиши мумкин. Бу хукукий меъёр Узбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида мустахкамлаб куйилган.[1]

Узбекистон давлат сиёсатининг бош йуналишлардан бири-аёллар ахволини яхшилаш, ижтимоий ва иктисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш. Шунингдек, хотин-кизлар хукуклари. эркинликлари ва манфаатларини химоя килишдан иборат.

Республика хукумати, вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан опа-сингилларимизнинг конституциявий хукукларини химоя килиш, уларнинг юртимиз хаётининг барча сохаларида тулаконли иштирокини таъминлаш борасида катор тадбирлар амалга оширилмокда.

Аммо давлатимиз рахбари бундай тадбирлар бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани, хусусан, хотин-кизлар кумиталарининг турли рахбарлик лавозимларига сайланган аксарият фаоллар хотин-кизларнинг бошлангич жамоаларидан ажратиб колаётгани, улар узларини аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчшгари деб караётганини таъкидлаган эди.

Натижада хотин-кизларнинг хакикий ахволи, уларнинг ташвишу муаммолари эътибордан четда колиб кетган. Айникса, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, фукаролик жамиятини шакллантиришда, сиёсийсохадаги ислохотлар жараёнида уларнинг иштирокига кам эътибор берилаётганнни хам инкор этиш кийин.

«Агар мамлакатдаги жами ахолининг 51 фоиздан ортиги аёллар булса, Олий Мажлис депутатларининг атиги 8 фоизи, рахбарлик лавозимларида ишлаётганларнинг 13,5 фоизини аёллар ташкил этади, холос.

Маълумки, Конститлиниянинг 46-моддасида кузда тутилган тенг хукуклилик тамойили, аввало, аёлларнинг сиёсий хукукдарга эга булишини, уларнинг сайлаш ва сайланиш хукукини кафолатлайди. Аммо Н1уыи хам таъкидлаш жоизки, хатго энг ривожланган мамлакатлардан бири — АКД1да хам факат 1920 йилда, яъни мустакил булганига салкам 150 йилдан кейин аёллар эркаклар бнлан бирга тенг сайлов хукукини кулга киритган.

Аёллар хуқуқларини чеклаш купгина мамлакатларда турли вактгача давом этган. Масалан, Янги Зеландияда 1893, Финланлияда 1906, Буюк Британия ва Россияда 1918, Францияда 1944, Японияда

1959, Швецарияда 1971, Лихтенштейнда 1976 йилда бундай чекловлар бекор килинган. Бу холат айрим араб давлатларида (Кувайт, Саудия Арабистонила) бугунги кунгача сакланиб колган.»[13]

«Аёлларнинг сиёсий фаоллиги сиёсий муносабатларда уз аксини топмокда. Масалан, Швецияда утган асрнинг асрнинг 80 йилларида тенглик масалалари давлат сиёсатининг мухим компонентларидан бири хисобланади. Бу Швециянинг сиёсий партиялари ва парламентдаги вакиллари сони усишига олиб келди. 1980-1984 йилларда парламентда аёллар сони 25 % дан 40 % гача ошган булса71995 йилга келиб бу курсаткич 50 % ни ташкил этилди. Финляндия ижтимоий сиёсий хаётида аёлларнинг роли тинимсиз ошмокда. Хозир парламент таркибидаги 200 уриндан 67 тасида аёллар булса, айни пайтда раиси ва икки уринбосари аёлдир. 1994 йилдан буён давлат ходимлари орасида аёллар 41 фоизни ташкил этмокда. Австрия федерал хокимиятининг 30 фоизини аёллар ташкил этса Канадада федерал хизматдаги аёллар улуши 1995 йилга келиб 42 фоизни ташкил этган. АКД1 даги хозирги маъмурият унинг тарихида аёллар сони энг куп булган маъмуриятдир. Аёллар 2500 дан зиёд лавозимни эгаллайди (40 % дан купрок). Шунингдек, улардан 27 нафари Президент томонидан юкори лавозимларига тайинланган шахслардир.»

Демак, халқаро хукук меъёрларга асосан аёллар хам жамиятдаги мухим масалаларии хал этишда бевосита ип!тирок этиши мумкин. Конституциямизнинг 18-моддасида хам бу хукук конун йули билан мустахкамлаб куйилган. «Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов туғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси эса «Фукаролар жинси, иркий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чикиши, эътикоди, шахсий ва ижтимоий мавкеи, маълумоти, машгулотининг тури ва хусусиятидан катьи назар тенг сайлов хукукига эгалидирлар» дейилган.

---

[13] **Уразалиева Г. Аёл-сиёсат субъекти Фалсафа хуқуқ журнали 2005, 1-сон, 47-бет.**

«Мустакиллик даврида булиб утган сайловларда хотин-кизларнинг саилаш ва сакланиш. хукукларидан кай даражада фойдаланиш масаласига тухталадиган булсак, уларнинг сайловчи сифатида иштироки нихоятда юкори эканига гувох буламиз. Лекин уларнинг депутатликка номзод сифатида курсатиш амалиёти бу борада курсаткичлар анча паст эканидан далолат беради. Масалан, 1994 йилда Олий Мажлнсда булиб утган сайловларда 634 депутатликка номзодлардан 52 нафари аёл булса. улар орасида депутат этиб сайланганлар атиги 15 нафарни ташкил этади. 1999 йилги сайловларда хам вазият туб дан узгармаган, чунончи, 1242 та номзоддан 171 нафарини аёллар ташкил килган булса, уларнинг 18 нафари депутат этиб сайланган холос.

Агар вилоятлар мисолида каралса, Тошкент вилоятида Олий Мажлисга депутатликка даъвогар 24 нафар аёлнинг атиги 4 нафар депутат булган. Айрим вилоятлардан Олий Мажлисга аёллар номзоди курсатилган булса хам улар етарли овозга эга булмади. Масалан, Андижонда 16 та, Наманганда

12та, Бухорода 11 та, Сирдарёда 5та аёл-номзоднинг бирортаси хам сайлана олмади. Тахлил шуни курсатадики, аёлларимиз куп холларла сайлов конунчилиги ва унинг тартиб-коидаларидан бехабар булгани, таргибот-ташвикот ишларни олиб бориш, дастурини ахолига тушунтириш, гурух билан ишлаш ва нутк маданиятига етарли эътибор бермаётгани сабабли муваффакиятга эриша олмаган.»[1]

Шу боис хозирги даврда хотин-кизларнинг сиёсий ва хукукий саводхонлигини ошириш. саклаб куйиладиган вакиллик ва бошка давлат хокимияти идоралари фаолиятидаги кенг иштирокини таъминлаш борасида хотин-кизлар кумиталари мавкеини

---

[1] **Уразалиева Г. Аёл-сиёсат субъекти Фалсафа хукук журнали. 2005, 1-сон, 47-бет.**

мустахкамлаш, халкаро хотин-кизлар харакатидаги иштирокини таъминлаш каби масалалар алохида эътибор каратиш талаб этади.

Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Хотин-кизлар Кумитаси фаолиятини куллаб-кувватлаш борасидаги кушимча чора талбирлар тугрисида»ги Фармонида Адлия вазирлигига ва Республика Хотин-кизлар кумитаси зиммасига аник вазифалар юклатилди. Жумладан. амалдаги конун хужжатларига вакиллик органларида хотин-кизлар эгаллаши керак булган лавозимлар сонини (яъни квота) белгилашни назарда тутувчи узгартиришлар юзасидан таклифлар киритиш юклатилди.

